

Saidmukhtar S. OKILOV,  
Candidate of Historical Sciences,  
Docent of ICESCO Department of the  
International Islamic Academy of Uzbekistan  
A. Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.  
E-mail: [saidmukhtar@mail.ru](mailto:saidmukhtar@mail.ru)

## МОТУРИДИЯ ТАЪЛИМОТИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

## ТЕОРЕТИКО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИССЛЕДОВАНИЙ МАТУРИДИЯ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

## THEORETICAL AND METHODOLOGICAL BASIS OF RESEARCH ON MATURIDIYYA: PROBLEMS AND SOLUTIONS

### КИРИШ

Абу Мансур ал-Мотуридий (ваф. 944) илмий мероси ва мотуридия таълимотини тадқиқ этишда бугунги кунда дунё тадқиқотчилари томонидан турлича ёндашувлар кузатилади. Турк тадқиқотчилари мотуридия таълимотини ўрганишда холислик принципларига амал қиласидар ва ушбу таълимотни суннийлик эътиқоди (ортодоксал ислом) нинг ажралмас қисми сифатида эътироф этадилар. Бундай эътиборни биз турк тадқиқотчиларидан С. Кутлу, Б. Топалўғли, А. Ақ, М. Язчиуғли каби олимларнинг ишларида учратишими мумкин. Турк тадқиқотчилари Абу Мансур ал-Мотуридийга нисбатан Мовароуннахрда ҳанафия ақидасининг энг асосий реформатори сифатида қараганлар ва мотуридия таълимотига нисбатан холислик билан ёндашганлар. Уларнинг ишларида мотуридия таълимотига нисбатан академик тадқиқ билан бирга динийлик ҳам сезилиб туради. Буни уларнинг мотуридия таълимотини мўътазилия, хорижия, жабария, қадария каби таълимотлардан ҳимоя қилишдаги уринишларида кўриш мумкин.

Айрим турк тадқиқотчилари мотуридия таълимотини ўрганишда бир-бирига қарама қарши бўлган индуктив ва дедуктив услублардан фойдаланишган. Масалан, С. Кутлу мотуридия таълимотининг генезисини шубҳасиз Абу Ҳанифанинг ақидавий

қарашларига такайди ва ўз тадқиқтоларида дастлаб Абу Ҳанифа илмий мероси ва ҳанафия ақидаси ҳақида тўхталиб, кейин мотуридия таълимотини ёритишга ўтади. Бу ерда тадқиқотчи дедуктив метод орқали мотуридия таълимотини Абу Ҳанифа ақидавий қарашларининг умумий ҳосиласи сифатида эътироф этади (S. Kutlu, 2003).

Лекин турк тадқиқотчилари орасида мотуридия таълимотига индуктив ёндашиш ҳолатларини ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, айрим турк тадқиқотчилари мотуридия таълимотини ақоид илми эмас, балки фалсафа илмининг бир бўлгаги сифатида тан олишади ва унинг мазмун-моҳиятини аниқ англаш учун, аввало фалсафа фанини билиш талаб этилишини таъкидлайдилар (T. Ozdeş, 2020:110–112; K. Mavil, 2020:117–121; H. Çağlayan, 2020:127–131;).

Бугунги кунда баъзи турк тадқиқотчилари мотуридия таълимотини таҳлил қилишда исломшунослик соҳасида ноанъанавий бўлган эпмирик методдан ҳам фойдаланмоқдалар. Уларнинг тадқиқотларида мотуридия таълимотига нисбатан бугунги кунда жамиятнинг ижтимоий тараққиёти талабларидан келиб чиқиб ёндашиш сезилиб туради (S. Kutlu, 2020:274–305; A. Duzgun, 2020:305–323).

Лекин юқоридаги мисоллардан қатъи назар, турк тадқиқотчиларининг аксарияти мотуридия таълимотини ўрганишда ретроспектив, яъни масалага тарихий ёндашиш ёки тарихийлик методига амал қилиб келмоқдалар, деб хулоса чиқариш мумкин.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Мотуридия таълимотини тадқиқ этишда ғарб шарқшуносларининг услуби туркларга нисбатан бироз бошқачароқ. Чунки ғарб олимлари ғайридин бўлгани учун уларнинг тадқиқотларида мавзуга тўлиқ академик ёндашув яққол намоён бўлади. Масалан, инглиз олими В. Маделунг мотуридия таълимоти тарихи ёки ҳанафия билан муржия, мотуридия билан ашъария ўртасидаги тафовутларни таҳлил қилишда қарама-қарши томонларга бир хил муносабатда ёндашганига гувоҳ бўламиз. Унинг мақолалари турк олимларидан фарқли равишда, Имоми Аъзам Абу Ҳанифа ёки Абу Мансур ал-Мотуридийни улуғлаш ёки устун қўйиш кайфиятидан йироқ (W. Madelung, 1971:109–168; W. Madelung, 2000:318–330; W. Madelung, 1982:32–39). Ғарб шарқшуносларидан М. Аллар, М. Бернанд, Р. Брансвиг, Ван Эсс, М. Гётц, Ё. Шахт кабиларнинг ишларида ҳам шундай ҳолат яққол сезилиб туради.

**Аннотация:** Мазкур мақолада Абу Мансур ал-Мотуридий ва мотуридия таълимотини тадқиқ этишіда замонамыз тадқиқотчиларининг құллаётган методлари таҳлил қылған. Бұгунғи күнде мотуридия таълимотини тадқиқ этишіда түрк, гарб ва айрим араб тадқиқотчиларининг құллаётган методларида хилма-хиллик мавжудлығы ва бунда түрк тадқиқотчиларининг услублари дияқтатға мойыл эканы таъкидланған.

Шунингдек, мақолада мотуридия таълимотига халик олимларининг ёндашишларыда нохолислик ва ассоциз танқидлар күзға ташланиши иккі араб олимнинг китоблардан мисоллар келтириши орқали таҳлил қылған. Ушбу иккі олим ўз тадқиқотларыда мотуридия таълимотига нисбатан монополистик ва социометрик методларға таяниб, нохолис ёндашганлари очиб берилған.

**Калит сұздар:** мотуридия, калом, ақида, ахли сұнна вал жамоа, мұтазилия, индуктив метод, дедуктив метод, моностилистик метод, социометрик метод, эмпирик метод, ретроспектив метод, ҳанафия, ашъария.

**Аннотация:** В статье анализируются методы, используемые современными исследователями при изучении жизни Абу Мансура аль-Матуриди и учения матуридизма. Анализируется различный подход в методике, используемой турецкими, западными и некоторыми арабскими исследователями при изучении матуридизма в наше время. Делается вывод о предпочтительности методологии турецких исследователей.

В статье также анализируется предвзятость и необоснованная критика некоторых арабских исследователей к учению Матуриди с использованием примеров из книг двух арабских ученых. В своих исследованиях эти два ученых раскрыли свой предвзятый подход к учению матуридизма, опираясь на монополистические и социометрические методы.

**Ключевые слова:** Матуридия, калам, ақида, ахли сұнна валъ джама'а, мұтазилия, индуктивный метод, дедуктивный метод, моностилистический метод, социометрический метод, эмпирический метод, ретроспективный метод, ҳанафия, аш'ария.

**Abstract:** The article analyzes the methods used by modern researchers in the study of Abu Mansur al-Maturidi and the doctrine of Maturidiyya. It surveys the different approaches in the methods used by Turkish, Western, and some Arab researchers in studying the Maturidiyya doctrine today. It also points out that the methods of Turkish researchers seem to be more remarkable than others.

The article also analyzes the bias and unfounded criticism of some Arab scholars towards the teachings of the Maturidiyya, using examples from the books of two Arab scholars. In their research, the two scholars revealed their biased approach to the doctrine of Maturidiyya, relying on monopolistic and stoichiometric methods.

**Keywords:** Maturidiyya, Kalam, Aqeedah, Ahl al-Sunnah wal-Jama'ah, mu'tazilah, inductive method, deductive method, monostylistic method, stoichiometric method, empirical method, retrospective method, hanafiyah, ash'ariyyah.

Умуман олғанда, Абу Мансур ал-Мотуридий шахсияти ва мотуридия таълимоти бүйіча түрк, гарб ва айрим араб тадқиқотчиларининг ишлары қайси услубда амалга оширилганидан қатты назар, ўн аср мұқаддам шаклдана бошлаган ва ўтган асрлар давомида суннийлик эътиқодининг ажralmas бўлғаги сифатида тан олиниб келинаётган бу таълимот шаънига путур етказмайди. Лекин айрим араб тадқиқотчиларининг мотуридия таълимотига агрессив кайфият билан ёндашиши ва мавзууни нохолис даволар билан ёритиб берганини кузатишимиз мумкин.

Тарихга назар ташласак, аслида ўрта асрларда ҳам мотуридия таълимотига нисбатан нохолис танқидий муносабатлар кўп бўлган. Бунда айрим тадқиқотчилар мотуридия калом мактабининг асл мазмунини тўлиқ билмасдан туриб шахсий амбиция билан муносабатда бўлганлар. Бундай ёндашувларга, масалан, ашъариянинг айрим олимларини мисол

келтиришимиз мумкин. Мотуридия таълимоти вакили Абу Муин ан-Насафий даврида ва ундан кейин ашъария таълимотининг айрим олимлари шундай танқидий муносабатда бўлганлар ва уларнинг айримлари танқидда чегарадан чиқиб кетганлар.

Қарийб минг йилдан бери ислом оламида ахли сұнна вал жамоа эътиқоди сифатида тан олиниб келинаётган мотуридия ва ашъария таълимотига нисбатан бугунғи күнде ҳам танқидий муносабатда турган араб олимларини учратишимиз табиий ҳол, албатта. Чунки фикр бор жойда мунозара, тортишув бўлади. Айниқса, калом илмининг ўзи тортишув, баҳс-мунозаралар устига қурилгани бу жараённинг табиий эканини англатади. Лекин танқид қилишда ўз гоявий мухолифига чегарадан чиқиш ва ҳақорат, ассоциз фикрлар билан нохолис ёндашиш ҳар кандай тадқиқот тамойилларига тўғри келмайди.

Мотуридия таълимотининг ўзи ҳам турли оқимларга раддиялар берган. Лекин мотуридия

олимларидан ҳеч ким ҳар қандай ақидавий таълимотни танқид остига олганида, асло чегардан чиқмаган. Масалан, Абу Муин ан-Насафийнинг “Табсират ал-адилла” асарида ислом файласуфларининг “борлик” (кавниёт) масаласидаги қарашларига раддия берилар экан, унда бирон бир олим изза қилинмайди ва унинг номи эҳтиром нуқтаи назаридан асарда тилга олинмайди (*Масалан, Абу Муин ан-Насафий ўз асарида Ибн Сино, Фаробий каби даҳоларнинг айрим ақидаларини танқид остига олган бўлса-да, уларнинг номларини асарида кўрсатмайди*). Демак, танқидий ёндашувда ҳам чегара бўлиши илм маданиятидан ҳисобланади.

## НАТИЖА

Замонавий айрим араб тадқиқотчилари эса, ўз асарларида Абу Ҳанифа ва Абу Мансур ал-Мотуридий илмий меросларини асоссиз равишда танқид остига олишлари ҳар қандай илм аҳлиниң ғашига тегади. Бундай нохолис танқидий хуружларни исботглашда саудиялик икки араб тадқиқотчиси – Аҳмад ибн Авазуллоҳ ал-Ҳарбий ва Мухаммад ибн Абдираҳмон ал-Ҳумайсни мисол қилиб олишимиз мумкин.

Масалан, Аҳмад ибн Авазуллоҳ “Ал-Мотуридия: дирсатан ва тақвиман” номли китобининг кириш қисмида Мотуридий яшаган давр, устоз-шогирдлари, илмий меросига уламолар билдирган мақтовларни сўзма-сўз, иқтибослар билан келтириб, якунидаги ўзининг қўйидагича хуолосаларини билдиради: “Мотуридия олимлари ва уларнинг тарафдорлари наздида, Абу Мансур ал-Мотуридий гўё юксак мартабали шахсdir. Ҳақиқатда эса, бу уламолар Мотуридийга нисбатан мақтovда муболағага йўл қўйганлар ҳамда уни ўзининг асл даражасидан ҳам кўтариб юборгандар. Бу эса, ўз имомига мутаассиб бўлган ҳар бир қавмнинг ҳолатидир. Бундай маддоҳ олимлар аслида амалларга ва шахсиятларга шариат қўзи билан бокмайдилар. Натижада эса, ҳақ билан ботилни ажратмайдиган ва инсонларга айни лойиқ таърифни бермайдиган кимсаларга айланиб қоладилар” (A. Harbiy, 2000:99).

Иккинчи тадқиқотчи Мухаммад ибн Абдираҳмон ал-Ҳумайс “Усул ад-дин индал Имом Аби Ҳанифа” номли асарида кўзга кўринган барча мўътазилия уламолари ҳанафий фикҳида бўлганини рўйчилик, уларни Абу Ҳанифанинг издошлари қаторига кўшади (M. Humays, 2007:625–631). Шунингдек, Абу Мансур ал-Мотуридийни

ҳанафий-муржий сифатида баҳолайди (M. Humays, 2007:634).

Юқоридаги икки араб тадқиқотчисининг бундай “совуқ” муносабатлари табиий ҳолдир. Чунки аксарият ҳалиж араб тадқиқотчилари доимо Абу Ҳанифа ва Абу Мансур ал-Мотуридий ақидасига нохолис ёндашиб келганлар.

“Усул ад-дин индал Имом Аби Ҳанифа” асарига эътибор қаратсак, муаллиф унда гўё ҳанафия таълимотига мўътазилия таълимотининг секинаста кириб келгани ва ҳатто Абу Ҳанифанинг оиласига ҳам мұтазилия ўз таъсирини ўтказганини таъкидлайди (M. Humays, 2007:625). Муаллиф ҳеч бир асоссиз таъкидлашича, Абу Ҳанифанинг ўғли Исмоил ибн Ҳаммод ҳам “Куръон – маҳлуқ” деган ақида билан мўътазилийлардан бўлган эмиш (M. Humays, 2007:626).

Муаллиф китобининг кейинги бетларида мўътазилийларнинг энг машҳур вакиллари – Бишр ал-Марисий (ваф. 228/843), Ибн Аби Дауд (ваф. 240/854), Мухаммад ибн Абил Лайс, Абу Ҳошим ал-Жуббойй (ваф. 321/933), Абул Қосим ал-Қаъбий (ваф. 319/931), Исмоил ас-Саммон (ваф. 445/1053), Абдулжаббор ал-Ҳамадоний (ваф. 415/1024) ва Маҳмуд аз-Замахшарий (ваф. 538/1143) каби олимларнинг барчаси ҳанафия мазҳабида бўлганини рўйчилик келади.

Асарнинг кейинги сахифаларида муаллиф ҳанафия ақидасига нисбатан тўғридан-тўғри шахсий адоват билан ёндашганига гувоҳ бўламиз. Унинг таъкидлашича, юқорида номлари келтирилган мўътазилий олимлар аҳли сунна вал жамоа уламоларини тазиикқа олганлар. Айниқса, “ал-Михна” репрессиясида бош-кош бўлган Ибн Аби Дауд ва Мухаммад ибн Абил Лайс катта “хизмат” кўрсатганини мисол қилиб келтиради (M. Humays, 2007:630).

Асарда таъкидланишича, Мухаммад ибн Абил Лайс Бағдодда ҳамма илм аҳлларини имтиҳондан ўтказган ва кимда-ким “Куръон – маҳлуқ” деган ақидани инкор этса, тазиикқа учраб, қувғин қилинган. Ҳатто Бағдоддаги барча масжид меҳроблари пештоқига “Лаа илаха иллаллоҳ Мухаммадур росууллоҳ” калимаси ўрнига “Лаа илаха илла роббил Куръанил маҳлуқ” деган сўзни ёзишни буюрган. Натижада ўша даврда мўътазилияни тан олмаган биронта имом, олим, муazzzin қолмаган. Бунинг натижасида мўътазилияни рад этган моликия, шофеъий мазҳаби вакиллари масжидларга киритилмаган эмиш (M. Humays, 2007).

## МУҲОКАМА

Муҳаммад ибн Абдираҳмон ал-Ҳумайснинг юқоридаги иддаосига шундай жавоб брешимиз мумкин. Аввало, бу тадқиқотчининг китоби номига эътибор қаратсак, у “Усул ад-дин индал имом Аби Ҳанифа”, яъни “Абу Ҳанифага кўра усул ад-дин” деб номланган. Аслида, “Усул ад-дин” билан “Усул Ал-Фиқҳ” ўртасида тоғдек фарқ борлиги барча илм аҳлларига ойнадек равшан. Ҳумайс рўкач қилаётган юқоридаги мўътазилий олимларининг барчаси фақат фикҳда ҳанафия мазҳабида бўлганлар, эътиқод масаласида эса, мўътазилийда бўлганлар. Муаллиф ушбу китобида ўзи ном берганидек ҳанафия “Усул ад-дин”ига холислик билан қараганида, фикҳ билан ақидани чақаштириб юбормаган бўлар эди.

Ўрта асрларда кўпчилик уламолар мазҳабда бошқа ақидада, бошқа таълимотда бўлганлари табиий ҳолдир. Бу ўша даврдаги ижтимоий бағрикенгликдан далолат беради. Агарда биз ҳам масалага жиiddийроқ ёндашадиган бўлсак, мўътазилийларнинг ҳаммаси ҳам ҳанафий фикҳий мазҳабида бўлмаганлар. Масалан, мұтазилияning энг сўнги вакили Қози Абдулжаббор (Тўлиқ исми Абул Ҳасан Абдулжаббор ибн Аҳмад. У 359/969 йили ҳозирги Афғонистоннинг Асадобод шаҳрида туғилган. 415/1025 йил вафот этган. Мўътазилийлар уни улуғлаб “Қози ал-қуззот” (Қозиларнинг қозиси) деган ном билан атаганлар. Бу ном undan бошқа биронта олимга берилмаган) шофеъий фикҳий мазҳабида бўлган. Агар Муҳаммад ибн Абдираҳмон ал-Ҳумайсда холислик бўлса, Имом Шофеъийни ҳам мўътазилийлардан хисоблаши керак бўлади.

Шунингдек, Имоми Аъзамнинг ўғли Исмоил ибн Ҳаммоднинг “Куръон – маҳлук” деган ақидага эргашгани ихтилоғли масала. Чунки ҳанафия-мотуридия таълимотига кўра ушбу масала қуйидагича ёритилган: Куръон Аллоҳнинг қаломидир. Фақат у китоб шаклида маҳлукдир, яъни мусҳафнинг вараги, сиёҳ, ўқувчининг овози маҳлукдир. Мана шу қараш орқали кўпчилик ҳанафийлар ҳам Қуръонни маҳлукқа чиқарган, деган нотўғри фикрга борган. Аслида Исмоил ибн Ҳаммод ҳам катта эҳтимол билан юқоридаги ақидани илгари сурган.

Ундан ташқари, инсоннинг биргина ақидавий мавзуда мұтазилияга ён босиши, унинг тўлиқ ушбу таълимот вакилига айланиб қолишини англатмайди. Агар масалага биз ҳам нохолис ёндашадиган бўлсак, Абул Ҳасан ал-Ашъарийни

ҳам мўътазилийга чиқариб қўйишими мумкин. Абул Ҳасан ал-Ашъарий мўътазилийлар каби Аллоҳнинг фақат зотий сифатларини азалий, қолган сифатларини эса кейин ҳосил бўлган, деган эътиқодда бўлган. Муҳаммад ибн Абдираҳмон ал-Ҳумайс китобининг кейинги сахифаларида тўғридан тўғри Абу Мансур ал-Мотуридий қарашларига ўз эътиrozларини билдира бошлайди. Тадқиқотчи ўз эътиrozларини қаломга доир бирон бир масалани таҳлил қилиб, тўлиқ ёритиб берганида, одамга алам қилмасди. Лекин у мотуридия таълимотини қоралашни узоқдан, аникроғи Абу Жаъфар ат-Таҳовий шахсиятини ёритишдан бошлайди.

У Абу Жаъфар ат-Таҳовийни улуғ олимлар қаторига қўшади ва мотуридия вакили Абу Муин ан-Насафий ҳам ҳатто Имом ат-Таҳовийни қуидагича мақтov билан тилга олганини айтади: Албатта, Абу Жаъфар ат-Таҳовий жамики салафи солиҳ уламоларнинг илмларини эгаллаган ва Имом Абу Ҳанифа ва унинг издошларининг илмларини маҳсус эгаллаган (M. Humays, 2007:624; an-Nosiriy, 2).

Муаллиф негадир ушбу фикрларини Абу Муин ан-Насафийнинг китобларидан эмас, балки “ан-Нур ал-Ломиъ” деган китобдан келтиради. Ҳумайс ўз фикрларини шундай давом эттиради: “Абу Жаъфар ат-Таҳовийнинг аҳли сунна вал жамоа ақидасини баён қилиши тўлиқ Абу Ҳанифанинг ёзган китобларига мувофиқдир ва фақат имон масаласидан ташқари, унинг барча қарашлари бошқа аҳли сунна вал жамоа уламолари фикрларига ҳам мувофиқдир. Лекин Абу Жаъфар ат-Таҳовийнинг қарашлари аҳли сунна ақидасига фалсафа ва қаломни киритган Имом Мотуридийга хилофдир (M. Humays, 2007:625).

Бу ерда Ҳумайс ақида илми билан қалом илмини алоҳида фан сифатида ажратадётганига гувоҳ бўламиз. Аслида Абу Мансур ал-Мотуридий ва Абу Жаъфар ат-Таҳовийни бир-бири билан қиёслаш мантиқизлиқдир. Икки олим бир даврда яшаган бўлса ҳам, икковлари бошқа-бошқа маконда, алоҳида-алоҳида муҳитда яшаб ижод қилган. Давр ва макон ҳам олимнинг ақидавий қарашлари, ҳатто услубига ҳам таъсир ўтказиши тарихда исботланган.

Иккинчи олим Аҳмад ибн Авазуллоҳ ал-Ҳарбий эса, дўсти Муҳаммад ибн Абдираҳмон ал-Ҳумайсга нисбатан мотуридия таълимотига жуда кескин муносабатда бўлган. Унинг биз юқорида зикр этган “Ал-Мотуридия: диросатан ва тақвиман” асарида

мотуридия таълимотига нисбатан танқидда чегарадан чиққан жойларини кўришимиз мумкин. Масалан, тадқиқотчи таъвил масаласи бўйича таъкидлашича, мотуридийлар Қуръонни тушунишда асосий восита ақл эканини лозим тутгандар ва шу тариқа таъвил ва тафвизни (Тафвиз учун қаранг: А. Omir, 1997:94) маъқуллаб, матннинг зоҳирий маъноларини четга суриб ташлайдилар (A. Harbiy, 2000:162).

Мотуридийларнинг таъвил ва тафвиз борасида мустаҳкам бир қонун-дастури йўқ... Шунинг учун ҳам улар таъвил ва тафвиз масаласида бир-бирлари билан ихтилофда бўлганлар. Натижада уларнинг баъзилари тафвизни, баъзилари таъвилни ва баъзилари иккисини ҳам маъқуллаганлар. Баъзилари эса, ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, таъвилни жоиз деганлар (A. Harbiy, 2000:163).

Ҳарбий бу фикрларига Абу Мансур ал-Мотуридийнинг яқин шогирди ал-Ҳаким ас-Самарқандийнинг “ас-Савод ал-аъзам” асаридан қуидаги сўзларини мисол келтириб, унинг таъвилдан воз кечиб тафвизни маъқуллаганига ишора қиласди: “Ҳар бир банда (муташобиҳ) оятларга имон келтириши ва тафсир қилмаслиги лозим. Чунки бундай оятларни тафсир қилиш бандани муаттилаларга етаклади. Агар сен муташобиҳ оятларга дуч келсанг, уларни (маъноларини) Аллоҳга ҳавола қил ва тафсир қилмагин. Шунда нажот топасан. Чунки бу оятларни тафсир қилишинг эмас, балки уларга имон келтиришинг сенга фарздир” (A. Harbiy, 2000:164).

Шундан сўнг тадқиқотчи Абу Муин ан-Насафийнинг “Табсират ал-адилла” асарида: “Бизнинг машойихларимиз ушбу (муташобиҳ) оятлар масаласида ихтилофда бўлганлар. Баъзи машойихларимиз муташобиҳ оятларни таъвил қилмасликка чақирганлар ва ундан Аллоҳ ниманики кўзланган бўлса, ҳақдир” (A. Harbiy, 2000:164), деган фикрларини келтириб, мотуридия таълимотида олимларнинг орасида ҳам ихтилофлар ва бекарорликлар бўлганини рўйчак қиласди.

Ҳарбий ўз фикрларини Ан-Носирий деган олимнинг “ан-Нур ал-Ломиъ” номли китобидан қуидаги сўзлари билан кувватлайди: “Бизнинг асҳобларимиз мазҳабига кўра, Китоб ва суннатда событ бўлган хабарларнинг барчаси аниқ ва равшандир. Улар билан шуғулланиш ва таъвил қилишга ҳожат йўқ. Балки уларнинг событ холда келганига имон келтиришимиз лозим” (A. Harbiy, 2000:165).

Ҳарбий ўз фикрларининг давомида танқидда буткул чегарадан чиқади. Унинг даъво қилишича, мотуридия таълимотида таъвил ва тафвизда аниқ

бир қонун бўлмагани сабабли уларда очиқ парокандалик юзага келган эмиш... Унинг фикрича, Таъвил аслида мотуридийлар ва бошқа каломчи фирмалар томонидан ўйлаб топилган иборадир ва бу ибора на биронта саҳоба, на тобеин ва на мусулмон имомларидан билинмаган. Шундай экан, таъвил истилохи ақлнинг маҳсулидир ва унинг зоҳири Аллоҳнинг барча сифатлари ва қадарини йўққа чиқарувчи жаҳмийлар, мўътазилийларнинг “кашфиёт”дир (A. Harbiy, 2000:166).

Тадқиқотчи айтишича, мотуридийлар ва бошқа мутакаллимларнинг таъвил борасидаги барча сўзлари фасоддан бошқа нарса эмас. Бунинг исботи – улар бир-бирлари билан доим ихтилофда бўлганлар. Ихтилофчи эса, табиатан фасод сўзини англатади. Шунинг учун ҳам Али ибн Абильхазм ал-Қураший шундай деган: “Дунёда иккита мазҳаб бор: Биринчиси – асҳоб ал-ҳадис бўлса, иккинчиси – бидъатчи фалсафачилардир. Улар доим тортишиб юрувчи мутакаллимлардир” (A. Harbiy, 2000:169–170).

Ҳарбийнинг таъкидлашича, юқорида зикр қилинган асҳоб ал-ҳадис салафи солихинлар мазҳаби бўлиб, айнан ўшалар аҳли сунна вал жамоа экан. У яна мотуридийларда таъвил борасида мустаҳкам қонун йўқлигини рўйчак қилиб, улар шунинг учун таъвилга муҳтоҷ оятлар билан таъвилга эҳтиёжи йўқ оятларнинг ҳам фарқига бормаслигини уқтиради ва ўзининг “шайх” и Ибн Таймиянинг мотуридийлар ва аҳли қалом ҳақидаги қуидаги фикрларини далил келтиради: “Таъвилчилар баъзи самъий далилларни таъвил қилишни вожиб санайдилар, баъзиларини эса вожиб санамайдилар. Аҳли қибла (мусулмонлар) ичидаги ҳам, балки улардан бошқалар ичидаги ҳам барча самъий далилларни таъвил қила оладиганлар йўқдир” (A. Harbiy, 2000:170).

Аҳмад ибн Авазуллоҳ ал-Ҳарбийнинг мотуридия таълимоти бўйича тадқиқотида масалага моностилистик ва социометрик метод билан ёндашгани кўриниб турибди. У, аввал моностилистик метод, яъни масалага танқидий қараб, сўнгра ўз танқидларида чегарадан чиқиб, социометрик методга ўтади. Лекин бу методда ҳам индивидуал шахслар ҳақида холис баҳо бериш ўрнига, уларни бир-бирига қарама-қарши қилишга уринади (*Масалан, мотуридия вакиллари ал-Ҳаким ас-Самарқандий ва Абу Муин ан-Насафийнинг фикрларини келтириб, уларни бир-бирига гоявий мухолиф даражасига кўтаради*).

Тадқиқотчи ўз танқидларида тизим ва режага эга эмаслиги кўриниб турибди. Масалан, у биз

юқорида мисол келтирған айрим фикрлари оркали мотуридия таълимотини фалсафа илмиға киритиб юборади. Шунингдек, у ўз фикрларини асослашда жаҳмия, мұтазилияни мисол келтириб, мотуридия таълимотининг ҳам ушбу оқимлардан фарқи йўқ, деган иddaони билдиради. Халқимизда “Бўри еса ҳам, емаса ҳам, оғзи қон”, деган мақол бор. Ҳарбий бу ўринда Абу Мансур ал-Мотуридий ва унинг издошлари айнан жаҳмия, қадария, мұтазилия каби таълимотларга қарши фаолият олиб боргани ва тарихда муташобих օятларни сифатлаб келган мушаббиха ва мужассима каби оқимларга раддия бериш мақсадида Куръон таъвилига қўл урганларига оддийгина индамай кўз юмиб қўя қолди.

Ҳарбийнинг юқоридаги мулоҳазаларига аҳамият берсак, унинг наздидаги мотуридийлар гүёки факат тортишув ва баҳс-мунозаралар гирдобида қолгани учун адашган таълимот сифатида қотиб қолган. Шу ўринда бизнинг эътиrozимиз қуйидагича: Агарда ислом динида тортишув, баҳс-мунозара ва тафаккур керак бўлмаса, Ҳарбийга ўхшаган тадқиқотчилар нима сабабдан мотуридия таълимоти билан ихтилофга боряпти, нима сабабдан уларга “ақли”ни ишлатиб раддия беряпти? Бу билан унинг ўзи ҳам ўз фикрларига қарши борган бўлиб қолмоқда-ку?!

Бундай калта фикрга эга кўр-кўрана тақлидчилар Ислом динини тор доирада чегаралаб қўйиб, динни англашда ҳар қандай мусулмонни ақл юритищдан қайтаришдан нарига ўтолмайдилар. Уларга исломшунослик, ислом илmlари деган тушунча ёт нарса. Аслида, асрлар давомида юзага келган тортишувлар, баҳс-мунозаралар таъсирида Ислом динига қалом, мантиқ, фалсафа илmlари кириб келди ва исломшуносликда “ал-жадал”, “ал-мантиқ” деган истилоҳлар пайдо бўлди.

Мотуридия таълимоти Ҳарбий таъкидлаганидек, таъвил масаласида устувор қонунга эга эмас, деган тухматдан юқсақдир. Бу таълимотда Абу Мансур ал-Мотуридий тафсир илмида “ат-тафсир бир-райъ” анъанасига мувофиқ таъвилга йўл очиб берган. Шу тариқа ислом оламида асхоб ар-райъ жамоаси вужудга келган. Мотуридийлар инсон учун Куръон ва шариатни тўғри талқин қилишида ақл ва тафаккурнинг зарурлигига қуйидаги оятларни далил келтирганлар:

**Оят маъноси:** “Дарҳақиқат, Биз уни (бу оятларни) ақлларингизни юритишининг учун арабий Қуръон ҳолида нозил қилдик (Юсуф сураси, 2-оят).

**Оят маъноси:** “У Ерни ёйиқ қилиб яратиб, унда тоғлар ва дарёлар пайдо қилган зотdir.

У Ердаги ҳар мевани иккитадан – жуфт-жуфт (яъни эркак-урғочи) қилиб яратди. У кечани кундуз устига ёяр (яъни, кеча-кундуз ҳам бир-бирларининг жуфтлари) Албатта, бу (мисоллар)да тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибратлар бордир (*Раъд сураси, 3-оят*).

Мотуридия таълимотига қўра, мазкур оятлар инсоннинг ҳар бир нарсага нисбатан маърифат ҳосил қилишида ақл энг асосий восита бўлиб хизмат қилишига далилдир.

### ХУЛОСА

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, биз юқорида замонамиз тадқиқотчиларининг мотуридия таълимоти ва тарихи бўйича олиб борган тадқиқотларини методологик нуқтаи назардан таҳлил этишга ҳаракат қилдик. Бу таҳлиллар келажакда мотуридия таълимоти бўйича тадқиқотларни амалга оширишда қандай методлардан фойдаланишимизга йўл очиб беради. Фикримизча, юртимизда мотуридия таълимотига тааллуқли бўлган ҳар қандай тадқиқотларни турк тадқиқотчилари қўллаб келаётган методлар билан амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг бир қанча сабаблари бор:

Биринчидан, Абу Мансур ал-Мотуридий ва мотуридия уламоларининг барчаси бизнинг юртимизда яшагани ва мотуридия ақидавий таълимотининг ўн асрдан зиёд давр мобайнида ўлкамизда маҳаллий аҳолининг илоҳиёт масалаларида дастури бўлиб келаётгани туфайли ушбу таълимотга хайриҳоҳлик руҳида муносабатда бўлишимиз табиий ҳолдир;

Иккинчидан, мотуридия таълимоти бугун ислом оламида аҳли сунна вал жамоа таълимоти сифатида тан олинган;

Учинчидан, бугунги кунда мотуридия таълимотини биз юқорида мисол келтирған айрим араб тадқиқотчиларининг асоссиз танқидларидан химоя қилиш учун эмперик, ретроспектив ва қиёсий таҳлил методлари асосида тадқиқотлар олиб бориши лозим. Шунингдек, мотуридия таълимотини тадқиқ этишда анализ ва синтез методидан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Чунки ушбу метод объект (предмет) қисмларини фақат классификация ёки дифференциация қилиш билангина шуғулланмайди, балки унинг мақсади давримиз хос бўлган хусусиятлари, белгилари, қонунларни топишга ҳам хизмат қилади.

## МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ

1. Abu Abdulloh Omir. Mu'jam alfoz al-aqida. – Ar-Riyod: Maktaba al-abikon, 1997.
2. Ahmad ibn Avazulloh al-Harbiy. Al-Moturidiya: dirosatan va taqviman. – Ar-Riyod: Dor as-samiiy, 2000.
3. Ahmet Ak. Büyük Türk Alimi Mâturîdî ve Mâturîdîlik / Монография. – İstanbul: İnönü Üniversitesi İlahiyat Fakültesi, 2008.
4. Allard M. Le problème des attributs divins dans la doctrine d'al-As'arî et de ses premiers grands disciples. – Beyrut: 1965.
5. An-Nosiriy. An-Nur al-Lomi' val burhon as-soti' sharhi aqoid ahli sunna val jamaoa. Qo'lyozma. – İstanbul: Sulaymoniya fondi. Inv. № 2973.
6. Bernand M. Le Kitâb al-Radd 'alâ 1-Bida' d'Abû Mutî' Makhûl al-Nasâfi // Annales Islamologiques. – T. XVI. – Cairo: Institut Fransais' Archmologie orientate, 1980.
7. Brunschwig R. Devoir et pouvoir, histoire d'un probleme de theologie musulmane. – Paris, 1976. T. I.
8. Götz M. Mâturîdî und sein Kitâb Ta'wîlât al-Qur'ân // Der Islam. 1965. – № 41.
9. Harun Çağlayan. Mâturîdî epistemolojisinin temeli olarak akıl // "Maturidi: Kayıp Aydinlanmanın İzinde" номли халқаро илмий-амалий семинар материаллари. – Анқара: Mak grup medya pro, 2020.
10. Kılıç Aslan Mavil. Mâturîdî'de akıl, ruh ve nefs kavramları üzerine // "Maturidi: Kayıp Aydinlanmanın İzinde" номли халқаро илмий-амалий семинар материаллари. – Анқара: Mak grup medya pro, 2020.
11. Kutlu S. Mâturîdî'de insan ve toplum tasavvuru: Özgür irade // "Maturidi: Kayıp Aydinlanmanın İzinde" номли халқаро илмий-амалий семинар материаллари. – Анқара: Mak grup medya pro, 2020.
12. Kutlu S. Mâturîdîlinin Tarihi Arka Planı. – Ankara: 2003.
13. Kutlu S. Türklerin İslamlâşma Suresinde Murçie ve tesirleri. – Ankara: 2000. Kutlu Sönmes. Mâturîdîlinin Tarihi Arka Planı. – Ankara: 2003.
14. Madelung W. Abu 1-Mu'în al-Nasâfi and Ash'arî Theology // Studies in Honour of Clifford Edmund Bosworth. Vol. II: The Sultan's Turret: Studies in Persian and Turkish Culture / Edited by Carole Hillenbrand. – Leiden, Boston, Köln: Brill, 2000.
15. Madelung W. The Early Murji'a in Khurâsân and Transoxania and the Spread of Hanafism // Der Islam. – 1982. – № 59.
16. Madelung W. The Spread of Mâturidism and the Turks // Actas IV Congresso de Estudos Arabes Islâmicos. Coimbra-Lisboa. 1 a 8 de Setembro de 1968. – Leiden: Brill, 1971.
17. Muhammad ibn Abdirahmon al-Humays. Usul ad-din indal Imom Abi Hanifa. – Ar-Riyod: "Dor as-samiiy", 2007.
18. Şaban Ali Duzgun. Mâturîdî'nin özgür iradeye dayalı birey ve toplum tasavvuru // "Maturidi: Kayıp Aydinlanmanın İzinde" номли халқаро илмий-амалий семинар материаллари. – Анқара: Mak grup medya pro, 2020.
19. Schacht J. An Early Murci'ite Treatise: The Kitâb al-'Âlim wa-1-inuta'l-lîm // Oriens. – 1964. – № 17.
20. Talip Ozdeş. Mâtürîdî düşüncede akıl ve hikmet // "Maturidi: Kayıp Aydinlanmanın İzinde" номли халқаро илмий-амалий семинар материаллари. – Анқара: Mak grup medya pro, 2020.
21. Topaloğlu B. Nûreddin es-Sâbûnî. Mâturîdiyye Akâidi. Dr. Bekir Topaloğlu tercime ve neşri. – Ankara: 1998.
22. van Ess J. The Logical Structure of Islamic Theology // Logic in Classical Culture / Edited by G.E. von Grunebaum. – Wiesbaden: Otto Harrassowitz, 1970.
23. Yazıcıoğlu M.S. Mâturîdî ve Nesefiye gore insane hürriyeti kavramı. M.E.B. Yayınları. – İstanbul: 1992.
24. Yazıcıoğlu M.S. Mâturîdî kelâm ekolu'nun iki büyük siması: Ebu Mansûr Mâturîdî ve Ebu'l-Mu'in Nesefi // Ankara universitesi basimevi. – Ankara: 1985.

